

5-10-2019

PECULARITIES OF ADJECTIVE ANTONYMS IN THE KARAKALPAK LANGUAGE

Sharapatdin Khojanov

Karakalpak State University named after Berdakh

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Khojanov, Sharapatdin (2019) "PECULARITIES OF ADJECTIVE ANTONYMS IN THE KARAKALPAK LANGUAGE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 1 , Article 28.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss1/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА СИФАТ АНТОНИМЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хожанов Шарапатдин Балтаниязович
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
Қорақалпоқ тилшунослиги кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мақола қорақалпоқ тилидаги сифат антонимларнинг лисоний таҳлиliga бағишланган. Сифат сўз туркуми антонимия ҳодисасини ҳосил қилишда унумлиликга эга ва улар бир қанча семантик гуруҳларни ташкил қилади.

Таянч сўзлар: антонимия, сифат антонимлар, семантик гуруҳлари, грамматик антонимия, меъёрлари.

ОСОБЕННОСТИ АНТОНИМОВ ПРИЛАГАТЕЛЬНЫХ В КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКЕ

Хожанов Шарапатдин Балтаниязович
доктор философии (PhD) филологических наук, доцент кафедры каракалпакского
языкознания Каракалпакского государственного университета

Аннотация: Статья посвящена лингвистическому анализу антонимов прилагательных каракалпакского языка. Образование антонимических явления прилагательных является продуктивным, при образовании антонимии они образуют несколько семантических групп.

Ключевые слова: антонимия, антонимы прилагательных, семантические группы, грамматическая антонимия, принципы.

PECULARITIES OF ADJECTIVE ANTONYMS IN THE KARAKALPAK LANGUAGE

Khojanov Sharapatdin Baltaniyazovich
Docent of Linguistics department of Karakalpak
State University named after Berdakh
Doctor of Philosophy on Philology Sciences

Abstract: This article is devoted to the linguistic analysis of adjective antonyms in Karakalpak language. Adjectives are a lot more effective in composing the phenomena of antonymy and they make up several semantical groups.

Keywords: antonymy, adjective antonyms, semantical groups, grammatical antonymy, standards

Тилнинг жамиятда бажарадиган хизмати беъбаҳо. Шакланган дастури-амаллар бўйича, тилга инсонларнинг бир-бири билан мулоқотини амалга оширадиган асосий қурол, -деб тариф бериш кенг тарқалган. Бу тарифда тилнинг жамият ҳодисаси эканлиги, жамиятда яшашига ва унинг

талабларига боғлиқ сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришларга ўчраши, ўз навбатида жамият-нинг ҳам тилсиз яшай олмаслиги аниқ ва равшон кўрсатиб берилган. Тилнинг мулоқотни амалга ошириш функцияси билан бирга унинг инсон тафаккурини ёритиш, тафаккурни ривожлантириш, дунё таниш, билим ва тажирибаларни тўплаш, сақлаш ва келажак авлодларга етказиб бериш каби вазифалари ҳам намаён бўлади. Тилнинг шу каби хизматлари натижасида жамият шаклланиб, моддий ва маънавий бойликлар тўпланади.

Қорақалпоқ тили қорақалпоқ халқининг миллий тили сифатида халқ турмуш-тарзи билан бирга ривожланиб, бугунги кунда ўзининг бой адаби тил нормаларига, кенг стилистик имкониятларига эга бўлди. Унинг товуш тузилишини, луғавий таркибини, грамматикалық қурилишини, тарихини, диалектик системасини ўрганиш бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бугунги кунда қорақалпоқ тилшунослиги тюркологияда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди, мана шундай ютиқлар билан бир қаторда ҳали мақсус тадқиқ этилмаган мавзулар ҳам бор. Шуларнинг бири сифатида луғавий таркибдаги сифат сўз туркумида ўчрайдиган антонимия ҳодисасини кўрсатиш мумкин.

Ҳар қандай тилнинг луғат таркибининг маълум бир қисмини сифат сўз туркуми эгаллайди ва улар антонимия ҳодисасини ташкил этишда фаъл қатнашадиган лексик-семантик birlikлар ҳисобланади. Тилшуносликда сифат антонимларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган анчагина илмий ишлар мавжуд. Бу ишларларда сифат сўз туркумининг антонимик муносабатга киришишига ҳар хил аспектда ёндашилган.

Қорақалпоқ тилида ҳам сифатлар антонимик муносабатни ташкил этишда унумлилигга эга ва уларни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Чунки, бу мавзу ҳозирги кунгача қорақалпоқ тилшунослигида махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Шунинг учун ҳам адабий тилимизни ягона тизимга бириктириш жараёнида лексиканинг бу қатлами бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришнинг аҳамияти катта. Бизнинг мақоламиз мана шу кенг қатламнинг бир бўлаги бўлган қорақалпоқ тилидаги антонимия ҳодисасини ҳосил қилишда фаъл қатнашадиган сифат антонимларнинг лисоний тадқиқига бағишланади.

Тилшуносликда сифат антонимларнинг ўзига хос хусусиятларига доир анчагина ишлар мавжуд. Жумладан, қозоқ тилидаги сифат антонимлар лексик маъноси жиҳатидан қуйидагидек олтига гуруҳга ажратилган:

1) нарсаларнинг сифатини ифодаловчи сифат антонимлар; 2) шахснинг психологик ҳолатини, қулқ-атворини ифодаловчи сифат антонимлар; 3) нарсаларнинг ҳажми, салмоғи, жойлашиш ўрнига боғлиқ белгиларини ифодаловчи сифат антонимлар; 4) нарсаларнинг белгисини ифодаловчи сифат антонимлар; 5) одамларнинг ижтимоий ҳолати, уларнинг қариндошлик алоқаларини ифодаловчи сифат антонимлар; 6) нарсаларнинг рангига, таъмига боғлиқ белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар [1.21-22].

Ўзбек тилидаги сифат антонимлар лексик маъноси жиҳатидан бешта гуруҳга ажратилган:

1) одамларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар; 2) ҳайвонларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар; 3) нарсаларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар; 4) одам ва нарсалар учун умумий бўлган хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар; 5) одам, ҳайвон ва нарсалар учун умумий бўлган белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар [2.232].

Ҳозирги замон қорақалпоқ адабий тилида ҳам маъно жиҳатидан бири-бирига қарама-қарши ишлатиладиган сифат антонимларнинг бир нечта гуруҳларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Бундай сифат сўз туркумига оид сўзлар қуйидагидек маъноларда антонимик жуфтликларни юзага келтиради:

1. Одамларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимларни қуйидагидек маъно гуруҳларига ажратиш мумкин:

а) шахснинг хулқ-атворини ифодаловчи сифат антонимлар:

Жақсы адам сөз мәнисин аңлайды,

Жаман адам шийрин жанды қыйнайды (Ққ.х.м.).

Биреў балент биреўлер *пәс*,

Биреўлер эзелден нәкәс (Бердақ).

Қыз ақыллы екен, бизлер *ақмақ* екенбиз («Алпамыс» дэстанынан).

Үй ийеси Асқарбай деген бир ақ көкирек, түри *жаман* болса да жаны *жақсы* жигит екен (Ш.Сейтов).

б) шахснинг психологик ҳолатини ифодаловчи сифат антонимлар:

Ол күтә менмен, *жаўыз* адам еди (Ж.Сапаров).

Кишпейил бол жастан балам (Бердақ).

- *Әкең жүдә сақый* еди, оның алдында сен ким болыпсаң? (Ққ. х.э.).

Қәдирбай – *күтә қытымыр*, *дүньяпараз*, *өтирикши*, *арсыз* адам (А.Бекимбетов).

Мениң күйеўим ондай *жаўыз* емес, *мөмин* адам (Х.Сержанов).

в) одамларда табиий юзага келадиган белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар:

Жас мухаббат алдында *гарры* шайыр,

Дизе бүгип кәлийма жығылғанын (И.Юсупов).

Үйине жақынлағанда қораның шуўақ тәрәпинде ықлап турған көзлери шүңирейген, *арық* балаға көзи түсти (Ж.Муратбаев). *Семиз* адам көп ўақытларға шекем үндемей турды (И.Қурбанбаев).

г) ҳаётда одамлар ўртасидаги алоқанинг сифатига, турмуш тарзига боғлиқ белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар:

Биреўлер аш болды, *биреў тоқ* болды,

Усылардың бәри ойсыздан болар (Өтеш «Болар»).

Зәриў буларға *дос* еди,

Өзи жигиттиң басы еди,

Бирақ ўәзирлер қас еди (Бердақ).

Әкем Әўез жарлы дийхан болған. Үбби болса ... қатты гүрес жүргизген бай адам (Ж.Сапаров).

е) одамларнинг физиологик ҳолатларига боғлиқ сифат антонимлар:

Күшли эззини хорлаған,

Бир әлеўмет заман болды (Бердақ).

Бир жаман менен бир жақсы бас қосса *ауырыў* менен *саўдай* болады (Ққ.х.м.). Дүньяда адамнан *күшлирек* ямаса *эззирек*, адамнан *батырырақ* ямаса *қорқағырақ*, адамнан *ақыллырақ* ямаса *нәпәмирек*, түсиниўи қыйын қоспалы, өзгермели қайсы мақлуқат бар? (Т.Қайыпбергенов).

2. Ҳайвонларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар. Бундай сифат антонимларни қуйидагидек маъно гуруҳларига ажратишимиз мумкин:

а) Ҳайвонларнинг хулқ-атворини ифодаловчи сифат антонимлар: *жуўас* – *асаў* (*ат*), *жуўас* – *қабазан* (*ийт*), *жуўас* – *сүзеўик* (*мал*) ва ҳ.к. Мисоллар: *Қабазан* ийт қарны тойғаннан кейин бираз *жуўасыды*. *Жуўас* деген қотыр тай, *асаў* болып шығады («Алпамыс» дәстанынан).

б) Ҳайвонларнинг яшаш шаройити ва физиологик хусусиятларини ифодаловчи сифат антонимлар: *жабайы* – *асыранды*, *қысыр* – *буўаз*, *шақлы* – *тоқалақ*, *жүйрик* – *шабан* ва ҳ.к. Мисоллар:

Атаң берген Байшубар,

Жақсыма екен жаман ба?

Жүйрикпе екен шабан ба? («Алпомиш» достонидан).

Арық атын бақтырсын,

Семиз атын таплатсын («Алпомиш» достонидан).

Бул тоғайда бир неше *жабайы* аңлардың түрлери ушырасады (М.Дәрибаев). Сибирде *асыранды* ийтлер адамның ең жақын жәрдемшиси, қолқанаты болып есапланады («Еркин Қарақалпақстан» газетасидан).

3. Нарсаларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар:

а) ҳажм, салмоқ, вақт ва ҳ.к. билан боғлиқ сифат антонимлар: *үлкен* – *киши*, *кең* – *тар*, *узын* – *қысқа*, *бәлент* – *пәс*, *ауыр* – *жеңил*, *толы* – *бос* ва ҳ.к. Мисоллар:

Бәлент көше, пәс көше,

Бұрас көше, тар көше («Алпомиш» достонидан).

Болғандай-ақ кең дүньялар бизге тар («Ер Зийўар» достонидан).

Жумыс ўақты болғаны менен Халқабатдың қысқа базары еди, узақ базардан айырмасы, бул күни тек қара мал түспейди (Ш.Сейтов). Складшы толы қапларды ийеги менен нусқады (Ш.Сейтов). Пахтадан босаған қанарларды арбаға жүклей баслады (Ш.Сейтов).

б) нарсаларнинг хусусиятларини ва ҳолатларини ифодаловчи сифат антонимлар: *өткир* – *топыр*, *қалың* – *жуқа*, *шуқыр* (*ой*) – *сайыз* ва ҳ.к. Мисоллар:

Ой бийшара сулыў ғана гүбелек,

Қанатың бар мысалы жуқа шүберек (И.Юсупов).

Алыстан қалың тоғай көринипти (Ққ.х.э.).

в) нарсаларнинг баҳоси, нархига боғлиқ хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар:

Нелер *арзан*, нелер *қымбат* елиңде,

Бадам сеннен нырқ аўҳалын сорайман («Алпомиш» достонидан).

г) нарсаларнинг таъмига боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сифат антонимлар: *ашшы – душшы, мазалы – уўдай* ва ҳ.к. Мисоллар:

Жол үстинде нэрўан терек,

Шақасы әлемге керек,

Бир мийўасы *ашшы*,

Бир мийўасы *душшы* (Ққ.х.ж.).

Аўзымызға салып шайнап жибергенимиз, *уў-зэхар* (Ш.Сейтов). Шайнап қарасақ, бурыштың дәмдин алады екен, бурыштың ашыўы кеткен соң қарасақ, *тап-татлы!* (Ш.Сейтов).

д) нарсаларнинг сифатига боғлиқ хусусиятларини ифодаловчи сифат антонимлар: *қатты – бос, шийки – пискен*. Мисоллар:

- Шырағым *қатты* ма, *бос* па, *пискен* бе, *шийки* ме деп бир қасық куўырмашты узатты («Алпомиш» достонидан).

Жамғыр жаўса *қатты* жерлер *бос* болар,

Ярым келсең қапа кеўлим хош болар (А.Бегимов).

4. Одам, ҳайвон ва нарсалар учун умумий белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар: *үлкен – киши, аўыр – жеңил, жақсы – жаман* ва ҳ.к. Мисоллар:

1) Одамларга хос:

Жақсы-жаманын билмедим,

Бир кәсе шарап қолында,

Шығып еди үйинен («Алпомиш» достонидан).

2) Ҳайвонларга хос:

Атам берген Байшубар

Жақсы ма екен *жаман* ба? («Алпомиш» достонидан).

3) Нарсаларга хос:

Аттан *үлкен*, ийттен *аласа* (Ққ.х.ж.).

Сифат антонимлар бир хил ўзактан ясаладими, *бахтли-бахтсиз* каби сўзлар антоним бўла оладими? Тилшунослиқда бу саволга ҳар хил жабовлар берилган. Рус тилшунослигида бази тадқиқотчилар уларни антоним деб ҳисобламаса [3.44-45], базилари антоним деб ҳисоблайди [4.63]. Бу масала юзасидан тюркологияда ҳам фикрлар хилма-хиллигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Ж.Мусин қозоқ тилида бундай аффикслер ёрдамида антонимлар ясалмайди, деган фикрни илгари суради [1.21-22]. Ўзбек тилшунослигида Р.Шукуров бу ҳақда қуйидагидек фикр билдиради: «Ўзбек тили материаллари асосида тўпланган антонимларни теран ўрганиб чиқишимизнинг натижасида ушбу тилда ҳам сўз ясовчи аффикслар ёрдамида анча гина бир хил ўзакга эга антонимларнинг ясаилишининг гувоҳи бўлдиқ. Масалан: *юракли – юраксиз, ақлли – ақлсиз, мазали – бемаза, вафодор – бевафо, одобли – беодоб* сингари. Бундай сўзларни ўларнинг ҳар хил

ўзакга эга синонимлари билан солиштирсак, масала яна ҳам ойдинлашади» [6.8].

Биз бу масалани ҳар томонлама теран ўрганиб чиқиб, қорақалпоқ тилида ҳам *-лы//-ли, -сыз//-сиз, бий, на, нэ* аффиксларининг ёрдамида антонимлар ясалади деган фикрга келдик. Бундай антонимларни шартли тарзда *грамматик антонимлар* деб юритиш мақсадга мувофиқ. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, ушбу аффикслар ёрдамида ҳоҳлаган сўзлардан антонимлар ясавермайди. Масалан, *дэптерли – дэптерсиз, китاپлы – китапсыз* каби сўзлар ўз аро антоним бўла олмайди. Аффикслар ёрдамида қандай ҳолатларда антоним жуфтликлар ясалади ва қандай ҳолатларда антоним қаторлари ҳосил бўлмайди, деган масала аҳамиятли бўлса ҳам, шу кунгача ўларни ажратиш бўйича аниқ фикрлар йўқ. «Кузатишлар бир хил ўзакга эга ясама сўзлар фақат ўз аро қарама-қарши бўлган тенг тушунча ёки тенг лексик маъно билдирганда гина антонимик қатор ясай олади [5.10], деган фикрга олиб келди. Шунингдек, бундай сўзларнинг антонимлар сифатида қаралишини «... шу тилда формаси жиҳатидан бутунликга эга бўлган синонимларининг бор эканлиги, ёки бошқа тилга бирдек лексик бирлик (сўз) орқали таржима этилиши билан изоҳлаш мумкин [5.12]. Демак, ушбу меъёрларга мос келадиган сўзлардан антоним жуфтликлар ясалади.

Антонимик муносабатнинг нутқдаги кўриниши инсоният тафаккури ва дунёқарашига чанбарчас боғлиқ. Инсон боласи фикрлаш орқали ўз атрофидаги нарса ва ҳодисаларнинг хосиятини, сифатини бир-бири билан таққослаш орқали уларни қарама-қарши қўяди. Шу асосда қарама-қарши кўйиб таққослаш натижасида антонимик муносабат юзага келади.

Тиллик қарама-қаршилиқ мантиқий қарама-қаршилиқ асосида ҳам бўлиши мумкин. Бу борада антонимик муносабатларни тадқиқ қилаётган олимлар ўртасида турлича фикрлар учрайди. Баъзи тилшунослар унга логик жиҳатдан ёндашиб, *антоним* деганимиз қарама-қарши тушунчаларни англлатувчи сўзлар деса, лекин баъзи тилшунослар унга лисоний нуқтай-назардан ёндашиб, маънолари ўз аро қарама-қарши сўзларни *антонимлар* деб ҳисоблайди. Б.Исабеков: «Антонимия мантиқий тушунчалар билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун уни фақат мантиқий жиҳатдан аниқлаш билан чегераланиб бўлмайди, чунки, мантиқий тушунчалар нутқий, яъний лексик маъно орқали юзага чиқади. Шу сабабли антонимик муносабатни лисоний нуқтай-назардан ёндашиб аниқлаш керак [6.4] -деган фикрни билдиради. Биз ҳам ушбу фикрнинг тарафдоримиз.

Шундай қилиб, бизнинг тўплаган тиллик фактларимиз асосида ҳозирги қорақалпоқ адабий тилидаги сифат сўз туркуми ўртасидаги антонимия ҳодисаси лексик маъноси бўйича одамларга хос хусусиятларни англлатувчи, хайвонларга хос белгиларни англлатувчи, одам, ҳайвон ва нарсалар учун умумий белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар каби уч гуруҳга ажратилди. Бу гуруҳлар ўз ичида бир қанча кичик гуруҳларга ажратилиб, уларнинг ҳар бирига бадиий асарлардан мисоллар келтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, сифат сўз туркумига оид сўзлар нутқда қўлланилиши жиҳатидан унумли сўзлар қаторига киради. Антонимик муносабатдаги сифатлар ҳам сифатларнинг семантик гуруҳлари таркибида ўзига хос ўринни эгаллайди. Қорақалпоқ тилида сифат сўз туркумига хос антонимларнинг юқорида кўриб ўтганимиз каби турли маъно хусусиятларини бера олиши унинг тилимизда кенг қўлланилиш доирасига эга эканлигидан дарак беради.

References

1. Musin J. Antonimi v kazaxskom yazike. Avtoref. diss. ...kand.fil.nauk. – Alma-Ata. 1970. – С.21-22.
2. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –Т.І. –Тoshkent: 1966. – В.232.
3. Bulaxovskiy L.A. Vvedenie v yazikoznanie. – Moskva.: Uchpedgiz, 1954. – S.44-45.
4. Shanskiy N.M. Leksikologiya sovremennogo russkogo yazika. – Moskva: 1964. – S.63.
5. Shukurov R. O'zbek tilida antonimlar. –Toshkent.: Fan, 1977. – В. 8,10,12.
6. Isabekov B. Leksicheskaya antonimiya v sovremennom uzbekskom yazike. Avtoref. dis. ...kand.fil.nauk. –Tashkent: 1973. –S.4.